

Қ А Р О Р

(Маъмурий назорат ўрнатиш ҳақида)

2018 йил декабрь ойининг 7 куни жиноят ишлари бўйича Ҳазорасп туман суди, Боғот туман суди биносида, очиқ суд мажлисида, раислик этувчи шу судининг судьяси М.Рузметов, З.Курбановнинг котиблигида, Боғот туман ИИБнинг фуқаро Супиев Шавкат Уриновичга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш ҳақидаги тақдимномаси кўриб чиқилди. Иш ҳужжатларига кўра:

Супиев Шавкат Уринович, 1962 йил 28 апрель куни Боғот туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам 2012 йил 24 апрелда жиноят ишлари бўйича Янгиариқ туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, 2014 йил 24 сентябрда жиноят ишлари бўйича Кўнғирот туман судининг ажримига кўра ЖКнинг 74-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмай қолган 2 йил 7 ой 6 куни шу муддатга ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилиб, 2015 йил 21 сентябрда жиноят ишлари бўйича Боғот туман суди томонидан ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “в” бандига асосан ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, Боғот туманидаги 17-сонли мактабгача таълим муассасида ишчи, Боғот тумани, Найман қишлоғи, Нурли ҳаёт маҳалласида яшайди.

Суд, тарафларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш ҳужжатларини атрофлича текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Боғот туман ИИБ судга тақдимнома билан мурожаат қилиб, унда Ш.Супиев муқаддам 2012 йил 24 апрелда жиноят ишлари бўйича Янгиариқ туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, 2014 йил 24 сентябрда жиноят ишлари бўйича Кўнғирот туман судининг ажримига кўра ЖКнинг 74-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмай қолган 2 йил 7 ой 6 куни шу муддатга ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилиб, 2015 йил 21 сентябрда жиноят ишлари бўйича Боғот туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “в” бандига асосан ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган.

Шунингдек, Ш.Супиев Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги 750-сонли “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш

шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги Қонуни таъсирига тушувчи шахс эканлиги, шунга асосан унга маъмурий назорат ўрнатилиши мумкинлиги тўғрисида расмий равишда огоҳлантирилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддаси “в” бандида ўта оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш кўрсатилганлигини, муқаддам судланган Ш.Супиев ўта оғир турдаги жиноят содир қилганлигини инобатга олиб, унга нисбатан маълум муддатга маъмурий назорат ўрнатилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 2, 4-моддаси “в” банди, 5-моддасини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

1. Фуқаро Супиев Шавкат Уриновичга нисбатан 6 (олти) ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилсин.

2. Фуқаро Супиев Шавкат Уриновичга нисбатан қуйидаги чеклашлар қўлланилсин:

а) сутканинг соат 22-00дан эрталабки соат 6-00гача бўлган даврида уй ҳудудидан чиқмаслик;

б) туман ва шаҳарларда спиртли ичимликлар қуйиб сотиладиган жойларда бўлмаслик;

в) Боғот туман ИИБ ходимлари рухсатсиз туман ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

г) рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойнинг 15 кунини яшаш жойидаги ИИБга келиш.

Ушбу қарорни ижро қилишлик Боғот туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Қарордан норози тараф қарор нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судига кассация тартибида шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.

Жиноят ишлари бўйича

Ҳазорасп туман судининг судьяси

М.Рузметов